

Муқаддас Ватанимиз – озод ва обод Ўзбекистонимизнинг ёруғ келажаги, улкан тараққиёти, истиқболли равақи учун Президент сайловида фаол қатнашиб, муносиб номзодга овоз беринг!

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir



ASR

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 1-DEKABR, PAYSHANBA, 50 (682)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –
Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон
Республикаси Президентлигига номзод Шавкат МИРЗИЁЕВ:

**Барчамиз учун Ватан битта! Битта мақсад бизни
бирлаштиради, у ҳам бўлса: Ватанимиз тараққиётидир!
Муқаддас юртимиз, бағрикенг халқимизга садоқат билан
хизмат қилиш эса барчамизнинг энг шарафли бурчимиздир!**

САЙЛОВ – 2016

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ



**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –
Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан
Ўзбекистон Республикаси Президентлигига
номзод Шавкат Мирзиёев 24 ноябрь куни Тошкент
шаҳри сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили
А. Ҳожибоев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентли-
гига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди
дастури юзасидан маъруза қилди.

Тошкент шаҳри замонавий киффаси, йи-
рик саноат корхоналари, муҳташам иншо-
отлари, илм-фан марказлари, сўлим боғ ва
хийбонлари билан дунёга машҳур. Тошкент
мамлакатимизнинг асосий интеллектуал
маркази, халқимизнинг фахри ҳисобланади.
Пойтахтимизда 39 олий ўқув юрти, 47 ил-
мий-тадқиқот муассаса ва марказлари фао-
лият кўрсатмоқда. 11 театр, концерт заллари,
Ўзбекистон давлат консерваторияси, Алишер
Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутуб-
хонаси ишлаб турибди. "Ўзбекистон" халқаро

анжуманлар саройи, Маърифат маркази ва
бошқа кўплаб иншоотлар шаҳар кўрғига кўрк
қўшиб турибди.

Номзоднинг дастурида мамлакатимиз-
да барча соҳаларда олиб борилаётган кенг
кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий
ислохотларни янги босқичга кўтаришнинг
устувор йўналишлари белгилаб берилган.
Саноатни диверсификация ва модерни-
зация қилиш ҳисобидан иқтисодийнинг
рақобатбардошлигини ошириш, давлат
ва жамият бошқаруви тизимини такомил-
лаштириш, мамлакатимиз иқтисодий қуд-
ратини мустаҳкамлаш ва жаҳон бозоридаги
рақобатбардошлигини ошириш, кичик биз-
нес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг
эркинлик бериш, маҳаллий бюджетлар да-

ромадини кўпайтириш каби масалаларга
алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи
навбатда, касб-хунар коллежлари битирувчи-
ларини ишга жойлаштириш, ижтимоий соҳа-
ни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ
этиш, хорижий давлатлар билан ўзаро манфа-
атли ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби муҳим
масалалар қамраб олинган.

Учрашувда иқтисодийнинг барча тар-
моқларида амалга оширилаётган кенг кўла-
мли ислохотлар пойтахтимиз салоҳиятини
юксалтириш, аҳоли ҳаёт фаровонлигини
мунтазам оширишда асосий омил бўлаётгани
таъкидланди. Пойтахтимизда табиий ва ком-
мунал, транспорт хизматлари кўрсатиш тизи-
ми такомиллаштириш, аҳолининг маданий
дам олиши учун кенг шароитлар яратиш, аҳо-
лини шинам ва арзон уй-жойлар билан таъ-
минлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани
қайд этилди.

Учрашув видеоконференция шаклида ўт-
казилди. Пойтахтимизнинг барча туманлари-
дан сайловчилар номзоднинг дастури юзаси-
дан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси Т. Даминов, Ўзбеки-
стон Республикасида хизмат кўрсатган артист
Г. Мельникова, Олмазор туманидаги "Гу-
зарбоши" маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Т. Эргашев, Қозоқ миллий маданият маркази
фаоли Р. Қўширбоев, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати
Э. Шукуров, ФИФА рефериси Р. Эрматов, Мир-
зо Улугбек туманидаги "Катта Қорасув" маҳал-
ла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва
маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича
маслаҳатчиси Н. Жабборова, Олмазор тум-
анидаги "Ачаобод" маҳалла фуқаролар йиғини
раиси Х. Хўкमतов, Тошкент шаҳар "Камалак"
болалар ташкилоти раиси Б. Мирзаев ва бош-
қалар мамлакатимизда амалга оширилаётган
беқиёс ўзгаришлар пойтахтимиз мисолида ҳам
яққол ифодасини топаётганини таъкидлади.
Президент сайловига тайёргарлик миллий ко-
нунчилигимиз ва халқаро демократик тамойил-
ларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд
этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови-
да фаол иштирок этишга чақирди.

УЗД

Ўтмиши улуг, эртаси ёруғ, келажаги буюк халқимиз яна бир тарихий воқеа
арафасида турибди: 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайловини мамлакатимиз аҳли интиқ кутаётир. Ушбу муҳим сиёсий
тадбирга барча юртдошларимиз ўзгача руҳда, ҳамжиҳатлик, тотувлик ва
жипслик билан пухта ҳозирлик кўрганлигига барчамиз гувоҳимиз. Бир сўз билан
айтганда, чорак асрлик улуг истиқлол даврида яшаб, машаққатли манзилларни
босиб ўтган юртдошларимиз яна бир ўзига хос синов ҳисобланган умумхалқ
сайловида ҳар томонлама тайёр эканлиги кишини қувонтиради.

Сайлов – синов – самара

Шу ўринда беихтиёр кўнгилдан яна бир ўй
кечади: хўш, демократик сайловларни инсон ҳуқуқла-
ри, сўз ва ахборот эркинлиги, ошкоралик қафолат-
ларисиз тасаввур қилиш мумкинми? Йўқ, албатта.
Шу маънода юртимизда фаолият юритаётган тўрт-
та партиядан Президентликка номзодлари кўрса-
тилган инсонлар салкам бир ойдан кўпроқ муддат
давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида
сайловчилар билан бевоқиф учрашдилар. Мулоқот-
лар самимий, ошқора, кўтаринки руҳда ўтганлиги-
дан ҳаммаимиз хабардоримиз. Негаки, миллионлаб
фуқаролар иштирок этадиган сайлов кампанияси-
ни оммавий ахборот воситалари мунтазам ёритиб
бормоқда. Дарҳақиқат, журналистлар бу долзарб
сиёсий жараённинг очкилиги ва транспарентлиги-
ни таъминлаш билан бирга, номзодлар ва сиёсий
партияларнинг сайловчилар билан амалга оши-
риладиган мулоқотларини жамоатчиликка тезкор
суръатда етказиши табиийдир.

Эътиборли жиҳати, Президентликка номзодлар
билан кечган учрашувлар ниҳоятда жонли, маз-
мунли ўтди. Оддий мисол: Ўзбекистон Либерал-де-
мократик партиясидан Президентликка номзоди
кўрсатилган Шавкат Мирзиёев билан Қашқадарё
вилоятининг қадим Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўт-

ган сайловолди тадбири кўпчиликда унутилмас
таассурот қолдирди. Тасаввур қилинг, расмиётчи-
ликдан холи учрашувда аниқ ва равшан дастурий
мақсадлар жуда оддий тилда, ишонarli тарзда
баён қилиниши баробарида сайловчилар билан
самимий диллашиш, фикрлашиш кўнгилларни чоғ
этди. Яна бир муҳим жиҳати, номзоднинг учрашув
ўтказилаётган ҳудуд аҳли билан самимий, чин
юракдан гурунглашиб, йиллар давомида воҳада
кўпчиликни ўйлантириб келаётган, турли соҳаларга
оид долзарб масала ва муаммоларга асосли тарзда
ечим излаётгани эътиборга молик.

Дарвоқе, Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз-
нинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ўз фао-
лиятида унутилмас саҳифалар очган Қашқадарё
замини ва ушбу вилоятнинг энг оғир дамларда
ўзига елкадош, дилдош бўлган фидойи, мард,
меҳнатсевар инсонлари ҳақида ҳаммиша фахру
ифтихорга тўлиб сўзлаганини хотирлаб: "У киши-
нинг бу гўзал ва саховатли заминга, айниқса,
Соҳибқирон бобомиз Амир Темури ҳазратлари
таваллуд топган гўша – Шаҳрисабзга меҳру
муҳаббатни ниҳоятда баланд эди", деганида
ҳаммининг кўзлари ёшга тўлди...

Давони 2-саҳифада >>

ШХТ кузатувчилар миссияси Ўзбекистонга келди

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш бўйича миссия-
си кузатувчилари 2016 йил 30 ноябрь куни мамлакатимизга келди. Унга ШХТ Бош
котиби Рашид Алимов раҳбарлик қилмоқда.

ШХТ миссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сай-
ловида халқаро кузатувчилар таклиф этилишини уни демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошқора
ўтказишга бўлган интилишнинг яққол ифодаси, деб баҳолайди.

Миссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Президент ва парламент
сайловларида, референдумларда ШХТ кузатувчилар миссияси тўғрисидаги низом асосида сиёсий бета-
рафлик ва давлатнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.
Унинг таркибига ШХТга аъзо давлатларнинг қонун чиқарувчи, ижро ва сайлов органлари, шунингдек,
ШХТ котибиятининг 20 нафар вакили киритилган. Улар ўз фаолияти давомида илҳом борица кўпроқ
сайлов участкаларига ташриф буюришни режалаштирмоқда.

Давони 2-саҳифада >>

САЙЛОВ – 2016

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим кун – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳам санокли кунлар қолди. Сайловнинг энг муҳим ва масъулиятли босқичи – сайловолди ташвиқоти эса давом этмоқда.

Сайловолди ташвиқоти

номзодлар ва сиёсий партиялар учун ўз имкониятларини намоён қилишнинг муҳим босқичидир

Эркин
ХОЛБЎТАЕВ,

Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси
аъзоси



Айни пайтда жойларда ҳар бир сиёсий партиядан Президентлик кўрсатилган номзодларнинг ишончли вакиллари томонидан ушбу жараён қизгин олиб борилмоқда. Мақсад – номзодларнинг сайловолди дастури билан сайловчиларни яқиндан таништириш орқали бўлажак сайловда муваффақият қозонишдир. Қисқа қилиб айтганда, сайловолди ташвиқоти номзодлар ва сиёсий партиялар учун ўз имкониятларини намоён этиш йўлидаги ўзига хос мавсум ҳисобланади.

Қонунчилигимизда бундай ташвиқотнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, унинг тенглик, адолатлилик, очиқлик ва ошкоралик мезонлари асосида олиб борилиши кафолатланган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига кўра, сайловолди ташвиқоти Президентликка номзоднинг дастури ва номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш, омма олдига мунозаралар, баҳслар, матбуот анжуманлари, интервюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, номзод тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек,

пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш эса тақиқланади. Албатта, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим ўрин тутаяди. Амалдаги қонунчилигимизда сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилиши кафолатланган. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда Президентликка номзодларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Номзодларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони, нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин. Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар номзодлар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Энг муҳими, оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, номзодлар, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги лозим. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Мухтасар айтганда, миллий қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайловолди ташвиқотини ўтказиш билан боғлиқ етарли шарт-шароит ва имкониятлар белгиланган. Ушбу қоида ва талаблар сайловолди ташвиқотини олиб бориш борадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоида ва тамойилларига мос келади. Бу эса номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Сайлов – синов – самара



« Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Яна бир ибратли ҳолат: тўғриси, илгари бундай гап-сўзларни, айнан Президентликка номзоднинг ўзидан эшитмаганимиз учунми, ҳайратландик. "Биз энди 90-йиллар одамлари эмасмиз, кимга, қайси партия номзоди учун овоз беришни ўзимиз яхши биламиз. Эспайлик, авваллари бир киши тўрт-бешта паспортни кўтариб бориб, бемалол овоз бериб кетаверарди, тўғрими? Йўқ, бу жиддий синов, сайловдаги фаоллигимиз сиёсий маданиятимизни белгилайди. Шунинг учун бир киши битта овозга эга эканлигини юртдошларимиз орасида кўпроқ тарғиб қилайлик!"

Ана шу оқддийгина туюлган даъват замирида ҳам бир дунё маъно-мазмун ётибди. Эътиборлики, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда O'zLiDePдан кўрсатилган

номзод билан бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида ҳам биз юқорида мухтасаргина тасвирлаётган халқона ҳолатлар ҳукмрон бўлди.

Эътибор беринг, ҳар бир ҳудуд сайловчилари ҳузурда ўша жойнинг мамлакат миқёсида тутган ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ўрни, аҳрнинг турмуш даражаси, маданий ва маърифий муҳитига имкон қадар алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Оролбўйи минтақасидаги ташвишли экологик вазиятдан тортиб, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари, бугеи Бухоро, Навоий, Самарқанд, шунингдек, Ўзбекистонимиз тараққиётида ўзига хос нуфузга эга бўлган водий вилоятлари – Андижон, Фарғона ва Наманганнинг истиқболли эртаси ҳақида, қолаверса, Жиззах ва Сирдарё вилоятидаги ишга солинмаган имкониятлар ҳамда Марказий Осиёдаги етакчи шахарлардан бири саналган пойтахтимиз – азим Тошкент

шаҳрида яқин йиллар ичида бунёдкорлик соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган (айрим режалар асосида аллақачон улугвор ишлар бошланиб кетди!) ҳайратомуз ўзгаришлар юртдошларимизни қувонтириб юборди.

Биз таъкидлаётган бу каби айрим мисоллар, денгиздан бир томчи деганларидек, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод этиб кўрсатилган Шавкат Мирзиёевнинг дастурида белгилаб берилган бешта устувор йўналишда атрафлича акс этган.

Эътиборимизга номзодимиз томонидан тақдим этилаётган ушбу халқона дастур юртимиз кўржига кўрк, нуфузига нуфуз қўшишига, ҳонадонларимизга мисли кўрилмаган файзу баракка олиб келишига шубҳа йўқ.

Ушбу дастурдаги ҳар қандай фуқаронинг онгу шуури, қалби, ҳаётига дахлдор бўлган муҳим жиҳатларга яна бир қарра эътибор берайлик:

"Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари";

"Куч – адолатда";

"Иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаб бўлмайди";

"Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун";

"Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак!"

Сайлов – Синов – Самара...

4 декабрга ҳам санокли кунлар, лаҳзалар қолаётир. Бу сана Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдиришига ишонамиз. Ўзимиз танлаган муносиб номзод учун овоз берайлик!

Норқобил ЖАЛИЛОВ,

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси

ШҲТ кузатувчилар миссияси Ўзбекистонга келди

« Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Миссия Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетидега учрашувлар ўтказаяди. Сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, халқаро ташкилотлар миссиялари аъзолари, хорижий мамлакатлар кузатувчилари билан мулоқотлар ўтказишни режалаштирган.

ШҲТда сайловларни кузатиш соҳасида катта тажриба тўпланган. Бу борада ташкилотда 2004 йилдан буён 37 миссия шакллантирилган бўлиб, уларнинг 5 таси мамлакатимизда иш олиб борган.

Шу кун Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ШҲТ кузатувчилар миссияси раҳбари Р.Алимов билан учрашди.

Мулоқот чоғида миссия раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида амалга оширилаётган ишлар билан атрафлича таништирилди.

Таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик ишлари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, очиқ ва ошқора олиб борилмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистонда сайловолди ташвиқоти даври қонунчиликка амал қилинган ҳолда ўтказилмоқда. Президентликка номзодларга ўз дастурларини тақдим этиши ҳамда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши учун тенг шароитлар яратилган. Умуман олганда, сайлов кампанияси очиқ рақобат руҳида ва юқори ташкилий даражада ўтмоқда.

МДХ миссияси: Ўзбекистонда сайлов кампанияси очиқ рақобат руҳида ўтмоқда

Бу ҳақда 2016 йил 29 ноябрь кун Тошкентда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси вакиллари томонидан айтиб ўтилди. Миссия аъзолари мамлакатимизда давом этаётган электрал мавсум ҳақидаги хулоса ва баҳоларини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан кузатувнинг бориши ҳақидаги оралиқ ҳисоботида баён қилган. Бунда улар ўз вазифаларини эркин ва мустақил бажараётганини таъкидлади.

Жорий сайлов кампаниясининг барча босқичлари, қонуний асослар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга батафсил тўхталар экан, МДХ кузатувчилари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари уюшқоқлик ва изчиллик билан амалга оширилаётганини қайд этди.

Миссия аъзоларининг фикрича, округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган, фуқаролар босма нашрлар, телерадиоканаллар орқали сайловга тайёргарликнинг бориши ҳақида хабардор этиб борилмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини қабул қилиш, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 1 ноябридан Марказий сайлов комиссиясида кечая кундуз фаолият юритаётган "ишонч телефони" ва электрон почтага алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон сайлов амалиётида биринчи мартаба Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича тадбирлар дастури қабул қилиниб, босқичма-босқич амалга оширилаётгани кузатувчилар диққатини тортган. Шу мақсадда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида семинарлар, давра суҳбатла-

ри ўтказилмоқда.

Оралиқ ҳисоботда Ўзбекистондаги жамоат ташкилотлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда амалга ошираётган кенг миқёсли саъй-ҳаракатлар, хусусан, сайловга доир турли ижтимоий акциялар ўзининг ифодасини топган.

Миссия аъзолари билдиришича, Марказий сайлов комиссияси сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланмоқда. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари янгиликлар ва бошқа турдаги ахборот материалларида номзодларнинг сайловолди фаолиятини ёритиш вақти ва ҳажми бўйича бир хил шароит яратилмоқда.

МДХ кузатувчилар миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини 17 ноябрдан бошлаб мониторинг қилмоқда. 10 нафар узоқ муддатли ва 60 нафар қисқа муддатли кузатувчидан иборат таркибдаги Миссияга МДХ Ижроия кенгаши котиби Сергей Лебедев бошчилик қилаётир.

Сайлов мониторинги жараёнида МДХ узоқ муддатли кузатувчилари мамлакатимиздаги округ ва участка сайлов комиссиялари фаолияти билан танишди, турли ҳудудлардаги 104 та участкада бўлди. Бундан ташқари, 24 ноябрь кун бошланган ва 2 декабрда якунланадиган муддатидан олдин овоз бериш жараёнида ҳам иштирок этмоқда.

Брифингда таъкидланганидек, Миссия ўзининг якуний хулоса ва баҳосини сайлов мониторинги натижалари бўйича якуний ҳужжатда баён этади.

МДХ кузатувчилари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Б. БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири



Россиялик журналистлар учун брифинг

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш учун Россия Федерациясидан ташриф буюрган журналистлар учун брифинг ташкил этилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари, аввало, партиямизнинг ташкил топиши тарихи ва бугунги кундаги фаолияти билан таништирилди. Сўнгра уларга жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ жараёнлар, унда O'zLiDePнинг иштироки, партиядан давлатимиз раҳбарлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастури, ишлаб чиқилган сайловолди тарғибот услублари, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётган турли шаклдаги материаллар (видеороликлар, тарқатма материаллар ва бошқалар) ҳамда мазкур муҳим кампанияда мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар учун яратилган тенг имконият ва шарт-шароитлар хусусида муфассал ахборот берилди.

Шунингдек, меҳмонлар O'zLiDeP марказий сайловолди штаби фаолияти, партияннинг "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" томонидан олиб борилаётган ишлар борасида ҳам муайян тасаввурга эга бўлдилар.

Брифинг дўстона руҳда кечди.

ЎЗ мухбиримиз

САЙЛОВ – 2016

Мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳам санокли кунлар қолди. 4 декабрь куни халқимиз мамлакатимиз тараққиётини муносиб давом эттиришга қодир номзодга овоз беради. O'zLiDePдан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг жойлардаги ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувларида ана шу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиш ва партиядан кўрсатилган номзодга овоз беришга чақирмоқдалар.



Ишончли вакиллар сайловчилар ҳузурда

— Юртимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини қорақалпоғистон республикаси мисолида ҳам кўриш мумкин, — дейди Ш. Мирзиёевнинг ишончли вакили, Қорақалпоқ давлат университети ректори Мурат Жуманов. — Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда. Янги завод ва корхоналар, замонавий уй-жойлар барпо этилиши истиқлолимиз билан узвий боғлиқ. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида Кўнғирот сода заводи, дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири, Сурғил қони негизда Усторт газ-кимё мажмуасининг қад ростлаши Қорақалпоғистоннинг иқтисодий салоҳиятини янада оширди. Номзодимизнинг сайловолди дастурида бундай ислохотларни муносиб давом эттириш, энг муҳим устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ ва ҳаётий таклифлар илгари сурилган.

Таъкидлаш жоиз, дастурдан ўрин олган тўртинчи йўналишдаги мақсад-вазифалар қорақалпоғистонлик сайловчилар эътиборини тортиди. Унда бугунги кунда ўз ечимини кўтиб турган ижтимоий масалаларни ҳал қилиш учун кенг миқёсда қатор мақсадли дастурларни амалга ошириш, айниқса, соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам катта эътибор қаратилган. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилашда тез тиббий ёрдам хизмати, қишлоқ врачлик пункти ва тиббиёт бирлашмалари ишини ривожлантириш бўйича аниқ чоралар белгилаб қўйилган.

ТОШКЕНТ ШАҲАР Яшнобод туман меҳмонхона хўжалиги коллежида O'zLiDePдан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг ишончли вакили, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Абдуҳаким Ҳожибоев билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам номзоднинг сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад-вазифалар муҳокама этилди.

— Номзодимиз Тошкент шаҳри учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик дастур — Сирғали туманида яқин истиқболда 500 та кўп қаватли замонавий уй-жой барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифини илгари сузмоқда, — деди ишончли вакил. — Бу эса қарийб 30 минг хонадонни, биринчи навбатда кам таъминланган оилаларни янги уй-жой билан таъминлаш имконини беради. Шаҳарнинг барча туманларида янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этиш, яшил майдон ва худудларни янада кўпайтириш, коммунал ва савдо хизматлари сифатини яхшилаш, янги транспорт-коммуникация тармоқлари ва замонавий хизмат турлари, маданий-маиший объектлар бунёд этиш, ер устидан ўтадиган тевзорар метро йўналишларини куриш масалаларига устувор аҳамият берилди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бўлган учрашувда ҳам ишончли вакил Ш. Мирзиёевнинг темир йўл соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ ва ҳаётий таклиф-тавсиялари ҳақида сўз юртиди. А. Ҳожибоев дастурда темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Бухоро — Мискин темир йўл тармоғи курилишини якунига етказиш ва электрлаштириш, Қарши — Термиз, Поп — Наманган — Андижон — Қўқон темир йўлларини электрлаштириш ишлари ҳам назарда тутилганлигини таъкидлади.

— Олдимизда турган муҳим сиёсий воқеа — сайловга бўлган қизиқиш, айниқса, ёшлар орасида жуда юқори, — дейди ишончли вакил билан Тошкент ирригация ва мелiorация институтида ўтказилган учрашув иштирокчиси, талаба Шаҳзод Нормуродов. — Номзодимизнинг сайловолди дастурида “Ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғу-сини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи

руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтирамиз”, дея ёшларнинг манфаатлари эътиборга олинган, ўсиб келаётган ёш авлод келажаги йўлида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар изчил давом эттирилишидан далолатдир.

Номзоднинг Бухоро вилоятидаги ишончли вакили Самойдин Ҳусеновнинг БУХОРО ШАҲРИ сайловчилари билан ўтказган учрашуви ҳам гоят қизгин ва савол-жавобларга бой бўлди. Унда Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастурида мамлакатимизнинг аксарият худудлари қатори Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ ишлар ҳам ўз ифодасини топганига эътибор қаратилди. Жумладан, номзоднинг Ғиждувон туманида эркин иқтисодий зона ташкил этиш ҳақида илгари сурган таклифи Бухороликларни қувонтириб юборди.

— Бугунги кунда Бухоро шаҳрида 735 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда, — деди С. Ҳусенов. — 2017-2021 йилларда биргина саноат соҳасида 358 та лойиҳа асосида яна 10 мингта янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича 26 та, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ 325 та истиқболли лойиҳалар ижроси ҳам кўшимча 2 мингдан зиёд иш ўрни яратиш имконини беради. Худуддаги 16 километрдан иборат ички йўллари таъмирлаш, 10 километр узунликда ичимлик суви қувири ва 272 километр масофага электр тармоқларини тортиш, 16 километрдан иборат газ қувиурларини янгилаш, 170 га яқин ижтимоий объектларни барпо этиш ҳам муҳим вазифалар сифатида белгилаган.

Ишончли вакил сайловчилар билан учрашувда шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга тааллуқли бошқа бир қатор вазифалар ва уларнинг келгусидаги ижроси ҳақида ҳам тўхталди. Мазкур вазифалар O'zLiDePдан Президентликка номзод Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастурида илгари сурилган таклиф-ташабуслар билан уйғун ва ҳамоханлиги таъкидланди.

Ш. Мирзиёевнинг дастурида баён қилинган хусусий мулк ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, саноатга замонавий технологияларни жорий этиш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва экспортбон маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш каби долзарб вазифалар қашқадарёлик сайловчиларнинг ҳам эътиборини қозонди. Бу номзоднинг ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИдаги ишончли вакили, Олий Мажлис Сенати аъзоси Исмолиддин Абборовнинг Қасби ва Миришкор туманлари сайловчилари билан бўлган учрашувларида яққол кўзга ташланди.

— Номзоднинг сайловолди дастури билан танишиб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти бошлаб берган нури йўл — тўб ислохотлар изчиллик билан давом эттирилишига амин бўлдим, — дейди Қасби туманидаги “Юрт ризқи” корхонаси директори Насрулло Худойбердиев. — Истиқлол шарофати билан юртимизда фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилиши одамларнинг ерга, хусусий мулкка бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Уларда ўз меҳнатидан манфаатдорлик, завқланиш туйғулари шаклланди. Ушбу сайловолди дастури билан танишгач, тадбиркор сифатида келажимга бўлган ишончим янада мустаҳкамланди. 4 декабрь куни ислохотларнинг муносиб давомчиси бўлган Ш. Мирзиёевга овоз бераман.

СИРДАРЁлик сайловчиларнинг номзод ишончли вакили Камолиддин Акбутаев билан бўлган учрашу-

вида Ш. Мирзиёевнинг ижтимоий соҳада илгари сураётган аниқ ва ҳаётий таклиф-тавсиялари муҳокама этилди. Учрашувда таъкидланганидек, жамиятнинг хотин-қизларга муносабати, ҳурмати миллатнинг маънавий камолотини белгилайди. Мамлакатимизда аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки фаоллашиб бораётгани уларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан далолатдир. Зотан, ҳар бир аёл учун тинч ва фаровон юрда яшаш, оила ва жамият эъзосида бўлиш соғлом фарзандларни камолга етказишдан ортиқ садоқат йўқ. Эътиборлики, партиядан Президентликка кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёев ҳар бир чиқишда, сайловчилар билан учрашувларда опа-сингилларимизнинг бетақорор фазилатлари — латофати ва нафосати, вафо ва садоқатини алоҳида қайд этиб ўтади.

— Номзоднинг сайловолди дастури билан танишар эканмиз, долзарб масалалар қаторида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари, нуфузи ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилганидан қувондим, — дейди Оқолтин гидро-мелиорация ва хизмат кўрсатиш коллежи ўқитувчиси Насиба Раҳмонова. — Бу уларнинг турмуш фаровонлигини янада оширади. Шунингдек, номзоднинг ичимлик суви тармоқларини модернизация қилиш, электр таъминотини яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш каби мақсад-вазифалари ҳам биринчи навбатда хотин-қизларнинг, хусусан, қишлоқда яшаётган аёлларнинг оғирини енгил қилади. Шу боис бўлажак сайловда ушбу номзод учун овоз бераман.

“Ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтирамиз. Бу борадаги субсидиялар янги қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун талаблари асосида қатъий давом эттирилади.

Биз 2017–2021 йилларда олий ўқув юртлари тизимини янада ривожлантиришдаги маъжуд муаммоларни бартараф этишга, олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтаришга қаттиқ бел боғлаганмиз.”

Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастурида белги-ланган ана шу мақсад-вазифа НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ёшларини ҳам тўлқинлантириб юборди. Буни Наманган давлат университети ва Наманган муҳандислик технология институтида номзоднинг ишончли вакили билан учрашган ёшларнинг юз-кўзидан билиш мумкин эди.

— Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастурида ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, бизнесларини бошлаш учун тижорат банкларида имтиёзли кредитлар ажратилишига алоҳида эътибор қаратилган, — деди номзоднинг Наманган вилоятидаги ишончли вакили Икромхон Нажмиддинов. — Шунингдек, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга арзон нархдаги намунали уй-жойлар курилиши каби масалалар ҳам эътибордан четда қолмаган. Сайловда иштирок этувчиларнинг 7 миллион 500 мингдан ортигини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, номзодимизнинг мақсад-вазифалари аҳамиятини янада тيرانроқ тушуниш мумкин.

Сўзга чиққанлар номзоднинг сайловолди дастури билан овоздан қўллаб-қувватлашди. Талаба ёшлар бу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиш ва Ш. Мирзиёевга овоз бериш даъват этилди.

Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Муносиб издошлик

Маълумки, шу йилнинг 8 сентябрида мамлакатимиз, давлатчилигимизга тегишли тарихий воқеа бўлди: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев зиммасига вақтинча юклаган тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарор халқимиз тақдири ва давлатчилигимизнинг пойидорлиги ишончли қўлларда эканини ифодалади.

Мамлакатимиз Бош вазирининг ушбу қўшма мажлисидаги маърузасида келажакка бўлган қатъий ишонч туйғуларини ўқиб туриб, босиқлик, салобат ўз ифодасини топди. Бу ҳол халқимиз кўнгилни кўтарди, давлатчилигимиз тақдири ишончли қўлларда эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилди. Биринчи Президентимиз мамлакатимизни бошқарган 27 йиллик давр мобайнида миллатимиз етук миллат даражасига кўтарилганини исботлади. Раҳбариятимиз халқ ва давлат манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган оқил раҳбарият эканини кўрсатди. Халқимиз кўнгил таскин топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Дастури, унинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезидидаги маърузаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи мазмунан бир-бирини тўлдирди ва бойитди. Дастурдаги “Бизнинг бош мақсадимиз — Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан бошлаб берилган демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорлиқни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз учун муносиб турмуш тарзини яратишдан иборат” деган фикр бу учала муҳим ва тарихий ҳужжат учун бош ғоя ва мақсаддир, буларда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовга муносиб издошлик очиқ-ойдин ифода-ланган.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, нотиқнинг маҳоратиغا, воқизлик санъа-

тига, фикрини раво ифодалашига, мақсадини тингловчига аниқ ва тиниқ етказиб бера олишига қўйил қоласиз. Бундай нотиқларни танаффуссиз, бошқа ишга чалғимасдан, берилиб тинглайсиз, билимингиз ошади, қалбингизда некбин туйғулар уйғонади, яшашга завқингиз ошади, ижод ақлининг илҳами жўшади.

Нутқдаги ушбу сатрлар фикримизни тасдиқлаб турибди: “Биз охириги 25 йил давомида жуда қўллаб муҳим анжуман ва йиғилишларни ўтказдик. Уларнинг барчасига муҳтарам Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов бошчилик қилганларидан яхши хабардорсиз. Бугун эса тарихимизда биринчи марта бундай муҳим йиғилишни азиз раҳбаримизнинг иштирокисиз ўтказмоқдамиз. Гўёки, ҳаблимизда у киши ҳозир залга кириб келадигандек ўйлайманки, бугунги мажлисда қатнашаётган ҳар бир инсон шу залда буюк йўлбошимизнинг руҳи ва нафасини сезиб турибди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг ўлмас ғоялари, фикр, кўрсатмалари бизнинг қалбимиз ва онгимизга шундай чуқур сингиб кетганки, улар бизнинг келажак сари қатъий билан боришимизда барчамизга доимо таянч ва суянч бўлиши муқаррар”.

Ишонимизки, бу Дастур, Бу нутқ ва бу маъруза ҳақида, буларнинг давоми бўлажак тарихий ҳужжатлар хусусида ҳали янги-янги асарлар яратилажак. Умр вақти қилса, фикр ва хотира ҳозиргидек аниқ ва тиниқ бўлиб турса биз ҳам бу кўтлғу ишда мамнуният билан иштирок этамиз.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, ёзувчи, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор

Шароитлар яратилган

Президент сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси 713 та сайлов участкасининг фаолиятини мувофиқлаштирмоқда.

Хусусан, “Янги Миробод” маҳалласида яшовчи фуқароларнинг сайловда иштирок этиши учун 170-сайлов участкасида ҳамма шарт-шароит яратилган. Сайлов участкаси барча зарур техника воситалари ва керакли адабиётлар билан таъминланган. Ахборот стандартлари сайлов тўғрисидаги қонунлардан кўчир-малар, овоз бериш тартибига оид маълумотлар акс этган. Тиббиёт пункти, она ва бола хонаси сайловчилар хизматига шай.

Амалдаги тартиб-қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда иш олиб бораёلمиз, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Светлана Железнякова. — Худудда истиқомат қилувчи 2 минг 62 нафар сайловчиларнинг 56 нафари биринчи марта овоз берувчи йигит-қизлар. Сайлов куни икки вакилимиз 34 нафар бемор қария уйларида бориб, уларнинг овоз беришига кўмаклашди.

Беход ИСРОИЛОВ, “XXI as” мухбири

Фаолликка даъват

Бекобод шаҳридаги “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамиятида фаолият юритаётган O'zLiDeP бошланғич ташкилоти ташаббуси билан партиямиздан Президентликка кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури мазмун-моҳиятини корхона ишчи-хизматчиларига тушунириш, тарғиб қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Партия шаҳар Кенгаши раиси Ф. Қарабаева, акциядорлик жамиятининг касбада уюшмаси раиси И. Қурбонов мазкур дастурда баён қилинган муҳим йўналишлар, жумладан, асосий электротартиб — хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган вазифалар хусусида сўз

юритиб, тўпланганларни сайловда фаол қатнашиш ва партиямиздан кўрсатилган номзодга овоз беришга чақирди.

Давлат ХОЛМУРАТОВ, “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти етакчиси

СЕМИНАР

Парвозлар хавфсизлиги таъминланмоқда

“Бухоро” халқаро аэропортида Россия, Беларусь, Литва ва Ўзбекистондаги йирик авиакомпаниялар вакиллари иштирокида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Фуқаро авиацияси “Аэропорт” ассоциацияси аэродром-техника қўмитаси томонидан ташкил этилган семинарда таъкидланганидек, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси тизимда “Бухоро” халқаро аэропортининг ўз ўрни бор. 2011 йилда Бухорода замонавий аэровокзал биноси барпо этилгани эндиликда барча тилдаги самолётларни қабул қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш имкониятини бермоқда. 2008-2015 йилларда ушбу халқаро аэропорт турли номинациялар бўйича 8 марта “Аэропорт” ассоциациясининг қатор мукофотларига сазовор бўлди. Ассоциация техник директори Юрий

Синько, Москвадаги “Парк — Экс” масъулияти чекланган жамияти бош директори Евгений Ворновицкий, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси техника хизмати бош инспектори Ильгиз Габдурахманов иштирокчиларга компаниялар учун янги техника ва ускуналари харид қилишга доир масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Улар, шунингдек, республикамиз самолётлар паркни харид қилаётган “Боинг — 787” ва бошқа русумдаги замонавий лайнерларда юқори даражада хизмат кўрсатилаётганини қайд этишди.

Асхор ИСТАМОВ, “XXI as” мухбири

САЙЛОВ – 2016

ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА

Эзгу мақсад йўлида

✓ Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашида фаолият кўрсатаётган O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг 17 нафар аъзоси сайловчилар ишончини оқлашга интиломда.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, "Карманасут" хусусий корхонаси раҳбари Маҳмуд Болиловнинг саъй-ҳаракати билан Кармана туманидаги 14-Маликратоб сайлов округидаги қишлоқ аҳолисининг кўлаб муаммоси ижобий ечим топди. — Учрашуларда сайловчилар томонидан билдирилган муаммо ва тақлифларни ўрганиб, уларни бартараф этишга ҳаракат қиламан, — дейди депутат. — Яқинда Қатагон қишлоғидаги сайловчилар билан кечган мулоқот чоғида фуқаро Фарҳод Одилов 2012 йилдан буён ишламаётган қудуқни ишга туширишга ёрдам сўради. Ўрганиш натижасида маълум бўлдики, қудуқ насосининг носозлиги туфайли ер ости сизот сувлари кўтарилиши оқибатида ҳудуддаги 24-мактаб биноси деворига жиддий зарар етган, аҳоли томорқаларида экин ҳосилдорлиги пасайиб, дарахтлар қуриган. Бу ҳақда юборилган депутатлик сўровига Қуйи Зарафшон насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи Нодир Шомуродовдан кўридаги мазмунда жавоб олинди: "Ҳазора" қишлоқ фуқаролар йиғини Қатагон қишлоғида жойлашган 24-сонли умумтаълим мактаби ёнидаги 3-мелиоратив тик қудуқ насоси таъмирланиб, 2016 йил 14 октябрда ишга туширилди".

Шунингдек, қатагонлик сайловчилар ичимлик суви таъминотидаги узиллишларни бартараф этишни сўрашган эди. Мазкур сув тармоғи қурилишида қишлоқнинг географик жойлашуви яхши ўрганилмасдан лойиҳалаштирилган. Натижада сувни охирига истеъмолчиларга етказиш мақсадида берилган юқори босим қувурларни ишдан чиқарган. Мазкур масала юзасидан ҳам тегишли ташкилотга сўров юборилган, сув иншоотидаги насослар 2015 йилда мукамал таъмирлангани, айна кунда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги барча маҳаллаларга ичимлик суви етказиб бериш қувватига эгаллиги, "Тошрабат" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 2 километр 100 метрлик сув қувурлари реконструкциясини 2018 йилга мўлжалланган манзилли дастурга кириштириш учун ҳозирлик кўриляётгани ҳақида жавоб хати келди.

— Маҳмуд Болилов ҳар қандай шароитда ҳам вақт топиб, деярли барча тадбирларимизда қатнашади. Ҳудуддаги муаммоларни ҳал этиш, қабристон ва йўлларни ободонлаштиришга бошқош бўлаёттир. Муҳтож оилалар ва кексалар ҳолидан хабар олиб, кўмак бераёпти, — дейди "Тошрабат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Турсунов.

Таъкидлаш керакки, М. Болилов партия вилоят Кенгаши аъзоси ҳамда Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўйича Кенгаш раиси ўринбосари сифатида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда.

Мансур АСЛОНОВ,
"XXI asr" мухбири

Тинчлик ва фаровонлик учун

Айни кунда мамлакатимиз фуқаролари учун истиқболимизнинг янада порлоқ бўлишига ҳаракат қиладиган инсонини танлаш ҳуқуқини берувчи сайловга қизгин тайёргарлик бормоқда.

Мен ҳам тенгдошларим қатори шу муҳим тадбирда қатнашиш бахтига мурасид бўлиб турибман.

Ҳозирда Оқдарё хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг сув, газ қувурларини пайвандлаш йўналиши учинчи босқичида таълим оляялман. Гуруҳимиздаги 30 нафар тенгдошимиздан 25 нафари сайловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ёшда экани туфайли ҳар кун дарсдан сўнг шу ҳақида фикр алмашиб тураемиз. Сиёсий партиялар ҳақида зарур маълумотларни билганим қайси номзод учун овозни ўйлаб ўтиришга ҳожат қолдирмайди. Негаки, O'zLiDeP ҳақида, унинг мақсад ва амалий ишларидан нафақат хабардорман, балки унинг лойиҳаларида голиб бўлишга ҳам эришганман. Хусусан, жорий йили "Ишбилармон талаба" кўрик-танловининг вилоят ҳамда республика босқичларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, биринчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдим. Бу танловларда устозим Фарҳод Ҳороқовдан ўрганганларим асосида ёғочдан яратган лавҳ, лаган, шахмат тахтаси,

қутича каби турли амалий санъат намуналари тадбир ташкилотчилари томонидан ижобий баҳоланди. Бир сўз билан айтганда, меҳнатимга эътибор қаратилди. Шу билан бирга мазкур танловнинг стипендиясини олишга ҳам лойиқ кўришди. Тадбирнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири мен ўзим каби тенгдошларим билан танишдим ва таъриба алмашдим.

Шу боис мен 2016 йилнинг 4 декабр кунини кимга овоз бериш ҳақида аниқ қарорга келдим. Шунини айтишим мумкинки, мустақиллигимизни таъминлаган, тинчлик ва фаровонлигимизни бардавом этган Ислоом бобомнинг муносиб давомчиси бўлган инсон учун овоз бераман.

Баҳодир РАҲМАТОВ,
Оқдарё хизмат кўрсатиш
касб-хунар коллежи укувчиси



O'zLiDeP ҳудудий ташкилотларининг ёшлар билан ишлаш бўлимлари томонидан жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиздан кўрсатилган номзод Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастурини навқирон авлод вакиллари орасида тарғиб қилиш мақсадида акция тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида "Тараққиёт билимдони" номли викторина ўтказилди. Унда талабаларга давлатимиз раҳбарлигига партиядан кўрсатилган номзоднинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастурида белгиланган муҳим йўналишлар бўйича саволлар берилди. Энг тўғри жавоб берган фаол ёшлар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Шунингдек, тадбир давомида фермер ва тадбиркорлар ҳам ўз ютуқлари ҳақида гапириб, таърибаларини ўртоқлашди.

— Бош вазир виртуал қабулхонасининг йўлга қўйилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг муаммоларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди чимбойлик ёш тадбиркор Менилбай Базарбаев. — Энг муҳими, муаммолар ечимини топаёттир. Мен Ш. Мирзиёевни давлатимиз раҳбарлигига муносиб номзод деб биламан. Аминманки, у кишининг раҳбарлигида биз — ёшлар банд чўққиларини забт этамиз.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши
Матбуот хизмати

ХОРАЗМ

O'zLiDeP Хоразм вилояти Кенгаши томонидан сайловда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида "Биз тараққиёт ва ёрқин келажак учун овоз берамиз!" шиори остида акция ўтказилди.

— O'zLiDePдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунар сирларини пухта эгаллаш учун зарур шароит яратиш, иқтидор ва имкониятларини тўлақонли юзага чиқариш масалаларига эътибор қаратилгани чин маънода мамлакатимизнинг Биринчи Президенти бошлаб берган одилона сиёсатнинг узвий давомидир, — дейди Ўрганч давлат университети талабаси Дилрабо Матқаримова.

Тадбир давомида тадбиркорлик, фермерлик, архитектура, тиббиёт, туризм ва бошқа соҳаларда ишланган олим олиб бораётган ва бу йўналишларда салмоқли ютуқларни қўлга киритган фаол ёшлар маърузалари билан иштирок этишди.

— Ёшларимизнинг ватан тақдири ва келажиги учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётгани ҳар биримизни қувонтиради, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

депутати Клара Жумамуратова. — Бугунги акция чин маънода партиямиздан Президентликка номзоднинг сайловолди дастурини кенг тарғиб қилишда ҳамда мамлакатимиз тақдири учун муносиб номзодга овоз беришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Дилрабо КУРЯЗОВА

САМАРҚАНД

Партия Самарқанд вилоят Кенгашининг ташаббуси билан ташкил этилган акция кўтаринки руҳда бошланди. Унда қатнашган 18 ёшга тўлган йигит-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги ошди, ўз мустақил фикри ва фуқаролик позицияси мустақамланганига замин яралди.

— Сайловда илк мартаба иштирок этман, — дейди Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти қошидаги 1-сон академик лицейи ўқувчиси Сарвиноз Ҳамитова. — Сайлов участкасида яратилган шароитдан фойдаланиб, адабиётлар, номзодларнинг сайловолди дастури билан танишдим. Мен биз — ёшлар учун кенг имконият яратадиган номзодга овоз бераман.

O'zLiDePдан Президентликка кўрсатилган номзод Ш. Мирзиёевнинг ишончли вакили Ҳасан Нормуродов мамлакатимиз ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбир сўнггида талабалар томонидан саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

СИРДАРЁ

O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда билимли, истеъдодли ёшлар ўз қобилиятини намойиш этишди.

— Вилоятда 529 минг 810 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 15 минг 300 нафари илк бор сайловда қатнашувчи йигит-қизлардир, — деди партия вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Фахриддин Абдусатторов. — Ёш авлод қалбида қонунларга ҳурмат, юрт келажиги дахлдорлик туйғуси мустақамланиб бораётгани уларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокида ўз ифодасини топмоқда.

Тадбирда Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг вилоятдаги ишончли вакили Камолитдин Акбутаев номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури ҳақида батафсил маълумот берди.

Норинисо ҚОСИМОВА,
"XXI asr" мухбири

ЖИЗЗАХ

Жиззахда ўтган акция тадбирида 650 нафардан ортиқ ёш иштирок этди. Партия-миздан кўрсатилган номзоднинг Жиззах вилоятидаги ишончли вакили Акрам Имомов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Холбўтаев Президентлик сайловда фуқароларнинг фаоллиги юртимиз келажиги учун ўта муҳимлиги, номзоднинг сайловолди дастуридан ўрин олган масалалар ҳақида сўз юритишди.

— "Ёшлар қаноти" ўз сафига вилоятимиздаги энг иқтидорли, изланувчан ёшларни жамлаган, — деди O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ваҳожон Норбоев. — Улар орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, таниқли спортчилар, тадбиркор йигит-қизлар бор. Бугунги анжуман уларнинг жиспигини, Ватан тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

ҚАШҚАДАРЁ

Қарши давлат университетиде ташкил этилган "Биз муносиб номзод — Шавкат Мирзиёев учун овоз берамиз" деб номланган ёшлар форумида O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси Лутфулла Эзиев, Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилором Азизова, ўқитувчи Мафтуна Нодирова "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида" ва "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳияти, фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқлари ҳақида батафсил маълумот беришди.

— Бугунги форумда сиёсий-ҳуқуқий билимларимиз бойиди, сайлов қонунчилиги ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдик, — дейди Қарши давлат университети талабаси Мафтуна Нодирова. — O'zLiDePдан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида юксак маънавиятли, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни тарбиялаш, аҳолининг китобхонлик савиясини ошириш, ёш авлоднинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш каби мақсадлар ўрин олган. Сайлов кунини шу инсоннинг Президент бўлиши учун овоз бераман.

Тадбир сўнггида фаол талабаларга O'zLiDeP вилоят Кенгашининг эсдалик совгалари топширилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Энг тўғри қарор

O'zLiDePдан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг VIII сьезддаги маърузасини эшитдим, сайловолди дастури билан атрофлича танишдим. Қолаверса, Навоий вилояти сайловчилари билан учрашувида ҳам иштирок этдим.



Бизнинг жамоамиз туманда ободонлаштириш ишлари билан шуғулланади. Номзодимиз дастурида "Ҳудудларнинг ички йўллари, жумладан, туманлар, аҳоли пунктлари ва ҳўжаликлари бир-бирига боғлайдиган йўллар, аҳоли масканлари ичидан ўтадиган йўллар тармоғини кенгайтиришга, уларнинг ҳолатини яхшилашга, афсуски, иккинчи даражали иш деб қарашга ўрганиб қолганмиш. Ишлаб чиқариладиган дастурда вилоят, маҳаллий ва шаҳар автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш, уларнинг мустақамлигини ошириш, сифатли таъмирлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилади", деган фикрлар соҳамиз ривожига ва юрт ободлигига хизмат қилишига ишонман. Зеро, доно боболаримиз "Йўли ободнинг эли обод" деган гапни бежиз айтмаган.

Қайд этиш керак, бошқармаимизда ташкил этилган O'zLiDeP биланги таъкидланган 140 нафар аъзоси номзодимиз сайловолди дастурини меҳнат жамоалари ва аҳоли яшаш пунктларида, айниқса, ўйда бола тарбияси билан машғул хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида қизгин тарғиб қилмоқда. Бу борада партия туман Кенгашидаги сайловолди штаби тарғибот гуруҳи, Кенгаш аппарати ходимлари билан ҳамкорлик яхши самара бераёпти.

Уйлайманки, ўзини Ватан тақдири ва тараққиётга дахлдор деб билладиган ҳар бир фуқаро O'zLiDePдан кўрсатилган Шавкат Мирзиёев номзодини ёқлаб овоз беради.

Гулчехра РАЖАБОВА,
Қизилтепа тумани
Ободонлаштириш
бошқармасидаги бошланғич
партия ташкилоти раиси

Мустақам пойдевор

✓ Давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганига бу йил 24 йил тўлади. Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳужжат мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларни демократлаштириш, Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг "ўзбек модели" асосида жамият ва давлатни модернизация қилиш борасида амалга ошириляётган кенг қамровли ўзгаришларга мустақам асос бўлди.

Асосий қонун — Конституциямизда давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи, барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этники, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, сайлов ҳуқуқи каби устувор қонунлар мустақамланган. Ўз навбатида, ушбу қонунлар юртимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бош қомусимизнинг яна бир хусусияти шундаки, унда мустақил давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги иштироки ва ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари аниқ ифодаланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, мамлакатимизнинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч

йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътирофи этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланган.

Энг муҳими, Асосий қонунимизда жамият ва шахс муносабатларининг аниқ ҳуқуқий шакллари белгиланган ва шу орқали иқтисодийнинг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши, хусусий мулк ҳуқуқи, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги кафолатланган. Фуқароларга турли хилдаги жамоат бирлашмаларини тузиш ва улар фаолиятида эркин иштирок этиш имкониятлари яратиб берилган.

Хусусан, Конституциямизнинг XII бобиде жамиятимизнинг иқтисодий негизлари акс этган. 53-моддада бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодийнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устултигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклла-

рининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаш белгиланган бўлса, 54-моддада эса мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши қайд этилган.

Айтиш жоизки, бу меъёрларнинг натижаси ўлароқ, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қариб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз жаҳондаги қамдан-кам давлатлар қаторида барқарор ривожланмоқда. Ялли ички махсулотнинг ўсиш суръатлари кейинги ўн бир йилда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Макроиктисодий кўрсаткичлар муганосиблиги, давлат бюджетига ва тўлов балансининг барқарор равишда профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда. Бу эса юқорида таъкидланганидек, Конституциямизда муҳрлаб қўйилган хусусий мулк ва тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида гов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат ҳиссасини стратегик асосланган даражага қадар қисқартириш устувор вазифа сифатида белгилангани самарасидир.

Умуман олганда, фаровон ҳаётимиз мезони бўлган Конституция жамиятимизда янгича муносабатлар қарор топиши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг самараси шуки, ҳаётимизда демократик қарашлар, мулкка, ерга эгаллик туйғуси, ўз салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уни рўёбга чиқаришга бўлган интилиш ҳисси кучаймоқда.

Ойбек ЭҒАМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

ЖАРАЁН



МУНОСАБАТ

✓ O'zLiDePдан Президентликка кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури билан та-нишган ҳар бир кишининг кўнглида келгусида Ватани-миз янада гуллаб-яшнашига ишонч кучаяди. Зеро, унда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, макро-иқтисодий барқарорлик ва ўсиш суръатларини изчил таъминлаш юртимизни янада юксалтиришнинг асосий омили сифатида илгари сурилмоқда.

O'zLiDeP номзоди сайловчилар ишончини қозонмоқда

Достонбек РЎЗИЕВ,
Навоий давлат педагогика институти талабаси:

— Сайловда биринчи марта иштирок этаман. Мамлакатимизнинг энг фаол фуқаролари қаторида мен ҳам муҳим сиёсий жараёнда ўз фикрим ва овозим билан қатнашаман. Сайловга таклифнома олганимдан буён ўша кунни интиқил билан кутяман. Номзодларнинг ишончли вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувларда қатнашдим. Улар илгари сураётган мақсад-вазифалар билан яқиндан танишман. Мен O'zLiDePдан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дасту-рини тўла қўллаб-қувватлайман. Номзоднинг барча соҳани қамраб олган таклифла-ри мамлакатимизнинг янада тараққий этишида муҳим аҳамият касб этади. Айниқ-са, Ш. Мирзиёевнинг юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хўналарга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, аҳолининг китобхонлик савиясини янада ошириш давлатимиз сиёсати-нинг устувор вазифаси сифатида қарагани илм олиш ҳамда изланишни ҳаётининг мазмуни деб биладиган мен каби ёшларни қувонтирди.

Салоҳиддин ФАЗЛИЕВ,
тадқиқотчи, Самарқанд вилояти:

— Бугунги ёшлар изланишни, ўз устида тинимсиз ишлашни яхши кўради. Бу та-бий ҳол. Чунки биз Ибн Сино, Беруний, Хоразмий каби дунё илм-фани тамаддунинга беқийс ҳисса қўшган олиму фузалолар, мутафаккирлар авлодимиз. Аммо бугунги ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатмоқдаки, илм-фан билан шугулланиш учун инсонда маи-ший муаммолар бўлмаслиги керак. Масалан, уй-жой масаласида. Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастурида арзон уй-жойларни қуриш ҳақида сўз боргани ҳамнинг, айниқса, илмий тадқиқот олиб бораётган ёшларнинг кўнглидаги гап бўлди. Номзод-нинг сайловолди дастурида таъкидланганидек, бошланғич тўлов ҳажми икки баро-бар камайтирилиши ҳамда арзон лойиҳалар асосида барпо этилиши натижасида эҳтиёжманд оилалар алоҳида уй-жой ва хонадонларга эга бўлади. Бундан ташка-ри, 2017-2020 йилларда шаҳар жойларда 945 та кўп қаватли уйлар қуриш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Дастурга қўра, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Рес-публикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда йирик шаҳарларда уй-жойга муҳтож оилалар учун 5, 7 ва 9 қаватли кўпқаб арзон уйлар қурилади. Бу каби мақсад-вази-фалар ёшларни, айниқса, илмий тадқиқот олиб бораётган йигит-қизларни O'zLiDeP номзодига овоз беришга ундайди.

Ўлмас РАҲМАТОВ,
Бухоро туманидаги "Гала-ривер" қўшма корхонаси раҳбари:

— Номзоднинг иқтисодий таъминоти юксалтириш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада қўллаб-қувватлаш, аҳолини иш билан таъминлаш халқнинг турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим шарти сифатида қараётгани мени қувонтирди. Шу маънода "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Фармонга мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинди, биринчи мар-та ҳуқуқбузарлик содир этиб, етказилган зарарни қоплаган тадбиркорлар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилмайди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзи-даги жиноий жазони қўллаш бекор қилинди. Соҳа фаолиятига аралашиб, фаолиятни асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги, қолаверса, уларга етказилган зарарни бевосита айбдорлардан ундириш тартиби белгиланди. Ушбу ҳужжат фаолиятимизни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Биз тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни фаолиятининг асосий мезони деб биладиган номзодга овоз берамиз.

"XXI asr" мухбири
Хасан САЛОМОВ ёзиб олди.

Халқимиз манфаати акс этган дастур

Қайд этиш зарурки, 2006 йилдан республика-мизда ўртача йиллик иқтисодий ўсиш 8,3 фоизни ташкил этаётгани халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланган эди. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари иқтисодиётида юзага келадиган ай-рим муаммоларга қарамай, жорий йилда ҳам биз юқори натижаларга эришдик. Ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгаришларни узлуксиз амалга ошириш эса ана шундай ижобий жараён-ни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода ушбу сайловолди дастурида 2030 йилга қадар ялли ички маҳсулот ҳажмини икки баро-бардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиёт таркибида саноат улушини 40 фоизга етказиш бўйича аниқ мақсадли дастурлар амалга оширилиши баён қи-лингани аниқ мўддадор.

Саноат тармоқларини ривожлантириш, улар-нинг экспорт салоҳиятини ўстириш, ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ички бозорни корхона-ларимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, мавжуд ресурслардан унумли фойдала-ниш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш туфайли иқтисодиётимиз самарадорлиги ва рақо-батбардошлигини янада оширишга эришилади. Кези келганда таъкидлаш лозимки, қайта ишловчи тармоқларнинг улуши 2010 йилдаги 53,1 фоиздан 2015 йилда 60,1 фоизга, электрэнергетика, ма-шинасозлик, кимё саноатида 29,3 дан 32,5 фоиз-га, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 31,4 дан 36,4 фоизга ўсган. Дастурда кўрсатилганидек, келгусида саноатнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши орттириш ҳисобига тармоқлар орасидаги ана шу нисбатлар янада орттиришга шубҳа йўқ.

2015 йилда иқтисодиётни модернизациялашга молиялаштириш манбалари ҳисобида 15,8 мил-лиард АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилган, бошқача ифодадаганда, соҳада 2014 йилга нисба-тан ўсиш 9,6 фоизни ташкил этган. Ўтган йили умум-ий қиймати 7,4 миллиард долларлик 158 та йирик ишлаб чиқариш объектини қуриш ва ишга тушириш якунланган бўлса, дастурга мувофиқ яқин беш йил

ичида ушбу жараёнларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун умумий қиймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойи-ҳаси амалга оширилади. Бу чора-тадбирлар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, маҳал-лий хомашёни чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган тўқимачилик саноатини янада такомил-лаштириш режалари ишлаб чиқиши яқинида еткази-лади. Улар рўёбга чиқса, қиймати 2 миллиард 300 миллион долларлик 140 та инвестициявий лойиҳани амалга татиқ қилиш натижасида тайёр тўқимачи-лик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробар кўпаяди.

Этироф этиш керакки, аграр тармоқда кеча-ётган туб ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар на-тижасида қишлоқ хўжалигига тааллуқли кўрсат-кичларда барқарор ўсиш кузатишмоқда. Масалан, 1990-2015 йилларда дон етиштириш 3,7 баробар, картошка етиштириш 5, сабзавот 2,2, мева 2,6, узум 1,3, гўшт 1,9, сўт 2 ва тухум ишлаб чиқариш 2,4 баробардан зиёдроққа ошган. Этиборлиси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг оши-ши экин майдонларини кенгайтириш эвазигагина эмас, балки, интенсив ривожланиш, яъни, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига ҳам таъминланмоқда. Дастурга биноан 2017-2020 йилларда кўп тармоқли фер-мер хўжалиқларини янада ривожлантириш, экин майдонларини оптималлаштириш ва пахта экишни босқичма-босқич қисқартириш режалаштирил-моқда.

Маълумки, замонавий технологиялар асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқларни жадал ривожлантириш энг долзарб ва-зифалардандир. Бинобарин, хорижий инвестиция-лар ва илгор технологияларни кўпроқ жалб этиш мақсадида Ургут ва Гиждувон туманлари, Қўқон шаҳрида ҳам эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш режалаштирилмоқда. Шунинг баробарида 2017 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш дасту-ри доирасида 390 минг кишини доимий, 200 минг

ҳажимини мавсумий ва вақтинчалик иш билан таъминлаш, 309 минг фуқарони эса шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқлари, хўнарамдчилик ва оилавий тадбиркорлик субъектларида банд қилиш чоралари белгиланган. Бунда иқтисодиётда пул айланишини тезлаштириш орқали аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланади.

Дастурда "Ислохот ислохот учун эмас, авва-ло инсон учун" деган энг муҳим тамойиллардан бири рўёбга чиқарилишини изчил давом эттиришга алоҳида ургу берилган. Хусусан, эҳтиёж ва тала-блар ҳисобига олиниб, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури қабул қилиниб, унга биноан 2017 йилдан муҳтож оилалар учун бошланғич тўлов ҳажми икки баробар камайтирилиб, тўрт хил янги намунадаги замона-вий, қўлай ва арзон уй-жой барпо этиш мўлжал-ланмоқда. Бундан ташқари, 2017-2020 йилларда шаҳар жойларда 945 та кўп қаватли уйлар қуриш лойиҳаси тайёрланган. Тошкент шаҳри, Қорақал-поғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда бошқа йирик шаҳарларда 50 мингга яқин кўп қаватли, арзон уйлар қурилади. Келгуси беш йилда қарийб 9 минг километр узунликдаги ичимлик суви тармоқлари, 1 минг 400 та кўдўк ва 3 минг 600 та сув иншооти қурилади ва реконструкция қилинади. Бу эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хо-разм вилоятларида яшаётган 3 миллион 200 минг фуқаро тоза ичимлик суви билан таъминланишини англайди.

Халқимиз манфаатини ўзида мужассам этган мазкур ислохотларнинг амалга ошиши Биринчи Президентимиз томонидан амалга оширилган кенг миқёсли ишларнинг узвий давоми сифатида эътироф этилажак. Қолаверса, мамлакатимизни дунёнинг энг ривожланган, ҳар томонлама бар-камол давлатлари қаторига олиб чиқишга замин яратди.

Тўлқин РАСУЛОВ,
Тошкент давлат шарҳунослик институти профессори,
иқтисод фанлари доктори

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Мукамал бош қонун

порлоқ келажакимизнинг мустақам пойдеворидир

Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мақтаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 41-модда

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати-нинг қўшма мажлисидаги нутқида қайд эт-ганидек, замонавий Ўзбекистоннинг тарихи – бу мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақил-ликка эришиш йўлида Биринчи Президен-тининг Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилган ўта мураккаб ва оғир курашлар тарихидир. Буюк йўлбошчимиз ҳақли ра-вишда демократик талаблар ва халқаро ме-зонларга тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асо-сий муаллифи эди. Конституциямиз неги-зида яратилган пухта қонунлар, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жа-мийятини ривожлантириш концепцияси хо-кимият институтларини шакллантириш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкчиликнинг барча турла-рини, фуқароларнинг давлат бошқарувида-ги фаол иштирокини таъминлади.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг чорак аср-лик тараққий йўлида Бош қонунимиз асо-сида таълимни ривожлантиришнинг янги,

мақбул ва истиқболли модели яратилди. Бу йўналишда жаҳоннинг икки юз ўттиздан ортиқ мамлакатлари орасида ўзиничи уринга чиқди. Халқаро фан олимпиадаларида ўз-бекистонлик ёш билим эгаларининг ғолиб бўлиши одатий ҳолга айланди.

Томчида куёш акс этади, дейдилар. Бугунги кунда Эллиққалъа туманидаги 22 та мактабгача таълим муассасаси, 64 та умумтаълим ва 5 та ихтисослашган мактаб, 1 та академик лицей, 6 та касб-хўнар колле-жи, "Баркамол авлод" маркази, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 18-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби, 13-сонли давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари-да 29 минг 663 нафар ўғил-қиз таълим ол-моқда. Ушбу таълим муассасаларида чуқур билим олган ёшларимиз бугунги кунда илм ва технологияда, спортда янги чўққиларни забт этаётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Оддий бир мисол – таниқли спортчимиз, эллиққалъалик Расулбек Болтабоев қўлга киритаётган натижалар ҳар қандай кишига ўзгача фахр бағишлайди. Ўтган йили у Гре-циянинг Афина шаҳрида эркин кураш ҳамда юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати-да шунингдек, Қозғистоннинг Тарас шаҳри-

да бўлиб ўтган эркин кураш бўйича халқаро турнирда ғолиблар қаторидан ўрин олди. Кунги кеча карате-до бўйича ёшлар ва катта-лар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон кубоги баҳсларида эллиққалъалик ёшлар 3 та олтин, 4 та кумуш ва 6 та бронза медалига сазовор бўлишгани айниқса қувонarliдир.

Туман болалар ва ўсмирлар спорт мак-табида спортнинг 12 та тури бўйича 60 та спорт гуруҳи ташкил қилинган бўлиб, бу гу-руҳларда 750 нафар ўғил-қиз севган машгу-лоти билан шугулланмоқда. Шунингдек, жо-рий йилнинг 1 июнь кунини Сарабий овули ва Бўстон шаҳрида иккита сунъий қопламали кичик футбол майдончалари фойдаланиш-га топширилди. Мазкур спорт мактабининг Медеу Ернарзоров, Абзалбек Жумабоев, Со-биржон Бекжонова каби ўқувчилари турли мусобақаларда совринли ўринларни эгал-лашмоқда. Хар қандай кишининг қалбини ифтихорга тўлдирадиган бундай қувончли воқеаларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил мам-лакатимизнинг мукамал Бош қонунимизнинг ҳаётимизнинг барча жабҳалари қатори бу-гунги кун ва истиқболнинг ишончли таянчи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ҳам тараққий этиш мумкин бўлган "Ўзбек моде-ли"нинг яна бир ёрқин жиҳатини жаҳонга кўз-кўз қилиб, порлоқ келажакимиз учун мустақам пойдевор яратмоқда.

Неъматулла ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Эллиққалъа тумани ҳоқими,
O'zLiDeP аъзоси

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси устувор вазифа

✓ Мустақиллик шарофати билан қабул қилинган Бош қонунимизда ёшлар-нинг ҳуқуқ ва эркинликлари тегишли конституциявий меъёрларда ўз ифо-дасини топган.

Хусусан, Конституциямизнинг 64-моддасида ота-она-ларнинг ўз фарзандларини вояга етгунарига қадар боқиб ва тарбиялаш мажбурияти ҳамда давлатнинг ота-онасиз етим ёшларнинг вазифасини қўллаб-қувватлаш бўлган болалар-ни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш вазифаси белгиланган.

Конституциямиз нақадар қудратли сиёсий-ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий таъсир кучига эгаллигини ҳаёт-нинг ўзи исботлаб турибди. Унинг мазмун-моҳиятини аҳо-ли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар онгига сингдириш мақсадида 2001 йил 4 январда мамлакатимиз Биринчи Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституция-сини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши қабул қилинди.

Мақсад – Бош қонунимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, халқ, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятига сингдириш, шу тариқа жа-миятда қонунларга нисбатан ҳурмат муҳитини яратиш, ижтимоий муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш савиясини юқори даражага кўтариш,

энг муҳими, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оши-риш, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиш орқали ўзлигини мукамал англаб етишига эришиш. Эътироф этиш зарурки, мамлака-тимизнинг барча минтақаларида турли соҳа ва касб эгалари иштирокида мунтазам семинарлар ташкил этилмоқда, таълим муассасаларида дарс берувчи ўқи-тувчиларни тегишли йўналишда тайёрлаш, малакаси-ни ошириш, оммавий ахборот воситаларида Консти-туцияни фаол тарғиб қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, "Конституция ҳақида су-ҳбат", "Конституция: савол ва жавобларда", "Консти-туция ранг, тасвир, изоҳ ва чизгиларда" каби турли рисолалар, болаларга мос суратли альбомлар тайёр-ланиб, тарқатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Бош қонунимизни ўрганиш ва мукамал билиш нафақат ёшлар учун, балки давлат идоралари ходимлари ва мансабдор шахслар учун ҳам зарурий талабдир. Шундан келиб чиқиб, турли соҳа ва касб эгалари бўлган мутахассис ҳамда амалиётчи-лар иштирокида семинар-кенгашлар, илмий-амалий конференцияларни доимий ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Зеро, Конституциямиз мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва тараққий асоси, жамият фар-ровонлигини таъминлашнинг мустақам ҳуқуқий кафо-латидир.

Алишер ТУРҒУНОВ,
Республика юристлар малакасини
ошириш маркази тинловчиси

САЙЛОВ – 2016

ҲУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Фаоллик мезони

Кегайли, Тахтакўпир, Амурдарё, Беруний, Тўртқўл, Элликқалъа, Чимбой, Хўжайли туманлари ва Нукус шаҳрида "Менинг биринчи овозим" шiori остида ёшлар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

– Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича умумий сайловчилар 1 миллион 188 минг 763 нафар бўлиб, шундан 28 минг нафарга яқини сайловда биринчи марта иштирок этади, – дейди О'зЛиДеР Нукус шаҳар Кенгаши аппарати раҳбари Залербай Баекеев. – Шу боис тадбирларда ёш сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.

– Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида сайлаш ҳуқуқига эга бўлганимдан бахтиёрман, – дейди Чимбой тумани агро-саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Заҳида Шарифова. – Яқинда 18 ёшга тўлдим. Тўртта сиёсий партия кўрсатган номзодлар ичида О'зЛиДеР номзодининг сайловолди дастури менда катта таассурот қолдирди.

О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Матбуот хизмати

ХОРАЗМ

Фермер аёллар сафи кенгаймоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони юртимизда соҳа ривожига қаратилган навбатдаги қадамдир.

О'зЛиДеР Янгиерик тумани Кенгаши ўтказган "Аёлларнинг фермерлик ҳаракатидаги иштироки: ҳолати ва истиқболлари" мавзусидаги тадбирда ана шундай фикр билдирилди.

– Ушбу ҳужжат республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрнини тубдан ошириш, соҳани ривожлантириш йўлидаги тусиқ ва чекловларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга, – дейди партия вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқени ошириш бўлими мудири Мушарраф Раҳимова. – Жойларда фармоннинг мазмун-моҳиятини хотин-қизларга тушунтириш жараёнида шунга амин бўлганлигимиз, уларнинг кўпчилиги фермерлик ва тадбиркорликни бошлашга аҳд қилишмоқда.

Дилноза НОМЗОВА, "XXI asr" мухбири

БУХОРО

Қизгин жараён арафасида

"Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонасидаги О'зЛиДеР бошланғич ташкилотиде бўлажак сайловга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими катта мутахассиси Акмал Давлатов, О'зЛиДеР шаҳар Кенгаши раиси Жонибек Матниёзов ушбу сиёсий тадбирни ўтказишда демократик тамойиллар, мuddатидан олдин овоз бериш тартиби ҳақида маълумот беришди.

Таъкидланганидек, бошланғич партия ташкилоти раҳбари Шўхрат Ҳайдаров, партия аъзолари Фазлиддин Халилов, Бобир Адилов, Рустам Авезовлар аҳоли ўртасида сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини юқори савияда олиб боришмоқда.

Асхор ИСТАМОВ, "XXI asr" мухбири

АНДИЖОН

Келажакка пойдевор

О'зЛиДеР Андижон вилоят Кенгаши томонидан "Президент сайловида аёлларнинг фаол иштироки – жамиятни янада либераллаштириш ва демократлаштиришнинг гарови" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

– Бугун юртимизда Президентлик сайловида қизгин тайёргарлик жараёни давом этмоқда, – дейди партия вилоят Кенгаши аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқени ошириш бўлими мудири Умида Исаева. – Жойларда партиямиздан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастури, таржимани ҳоли яқиндан таништириляпти. Дастурда кўтарилган вазифалар барчага бирдек манзур бўлаётди. Кўпчилик эл дарди, халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қиладиган, ёш авлод камолоти учун қайғурадиган номзодни қўллаб-қувватламоқда.

Аъзамжон ҚОДИРОВ

ТОШКЕНТ

Амалиёт ва натижа

Пойтахтимиздаги "Wyndham" меҳмонхонасида "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ва Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорликда "Ўзбекистон иқтисодиётида аёллар тадбиркорлигининг ўрни ва ривожланиш истиқболлари" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Унда истиқлол йилларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялашга қаратилган қўллаб-қўнғулар қабул қилингани эътироф этилди.

– Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони тадбиркор аёллар фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда, – дейди Республика Хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси Инобат Каримова. – Ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёди ҳамда фермер хўжалиқларининг 4 минг 550 дан ортигини хотин-қизлар самарали бошқармоқда. Опа-сингилларимизни иш билан таъминлашга қаратилган дастурлар натижасида ўтган тўққиз ойда 330 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Тадбирда соҳада учрайдиган айрим муаммолар муҳокама этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Шахло РАҲМОНОВА, "XXI asr" мухбири

Қуёшли ўлкамнинг эртаси ёруғ

✓ Мана, сайловолди тадбирлари ҳам қизгин паллага кирди. Очигини айтсам, икки ойча аввал, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов дунёдан ўтганидан сўнг... маҳзун хаёлларга берилиб, бироз тушкун кайфиятда қолганим ҳам рост. Ватанимизнинг эртаси қандай бўлади, халқимиз бошига тушган оғир мусибатни энгиб ўтишимиз қийин кечмасмикан, давлатимизнинг бўлғуси раҳбари ким бўларкин, Президентлик сайловида кимлар номзод бўлиши мумкин, деган савол-ўйлар кеча-ю кундуз менга тинчлик бермас эди.

Дарҳақиқат, тарих саҳифасида қисқалина мuddат саналмиш 25 йил ичида асрларга татиғулик оламшумул ютуқларга эришдик. Оддий мисол: яқиндаги кунда қуриб фойдаланишга топширилган Ангрэн – Поп электрлаштирилган темир йўлини олайлик. Эндиликда, биз гузал водий – жаннатмонанд бўстонга, гуллар шаҳрига, Бобурийлар юртига бир замоналар ўтиб бўлмаган довон йўлларида тезорар поездларда елиб ўтмоқдамиз. Албатта, бу каби улкан асрий қурилишларга бош-қош бўлган Биринчи Президентимиз Ислом Каримовдан чек-сиз миннатдоримиз. Муносиб ворислар сифатида у киши асос солган миллий – "Ўзбек модели"ни янада ривожлантириб, жаҳонга танитишимиз бизнинг шарафли бурчимиздир.

Шахсан мен бу йўлда бизга мухтарам Юртбошимизнинг буюқ ғояларини, орзуларини мардонавор давом эттиришга қодир, халқимизни юксак ва олижаноб мақсадлар йўлида бирлаштира оладиган инсон – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёев эканлигига у кишининг сайловолди дастури билан батафсил танишгач, тўла амин бўлдим.

Зиёвуддин ЗАЙНУТДИНОВ, Тошкент шаҳри

Бу гапларни нима учун айтаяпман?... Кексалик-да, сўнги пайтларда қон босимим тез-тез кўтариладиган бўлиб қолди. Шу боис ҳам шифо, ҳам саёҳат дегандек, хориж сафарларига бориб келдим. Яқинда эса Кунҷиқар юрт – Японияда бўлдим.

Хуллас, сафар давомида ўнлаб шакарларни томоша қилдим. Тўғри-си, ларчи йироқда бўлишса-да, қалбда Ватанга дахлдорлик ҳисси жўш ураётган юртдошларимнинг бир дунё хайрату, хис-ҳаяжон ила берган саволларини эшитиб, кўзларимга ёш келди. Менимча, ҳар бир инсон ўз туғилган гўшасидан узоқда бўлгандагина ана шундай исми сиз туйғу кўнгилдан кечиши табиий...

Дилдан суҳбатлашар эканмиз, мезонларга Ўзбекистонда қизгин давом

этаётган сайловолди жараёнлари, тарихий ўзгаришлар, эришяётган ютуқларимиз, иқтисодий юксалишлар ҳақида гапириб бердим. Ишонасизми, ўша лаҳзаларда фахру ифтихорга тўлиб сўзлаётганман, бу дунёда мен ўзимни ниҳоятда бахтли инсон қиёфасида тасаввур қилардим.

Она юртга қайтар эканман, гарчи йўл-йўлакай яна сал тобим қочса-да, руҳим тетик, кўксимда эса келажакка ишончининг ажиб бир ёқимли ҳислари жилва қилар, энг қувончлисми, яна саноқли дақиқалардан кейин... қуёшли ўлкам, бетакрор заминга қадам қўйишимни, фарзандларим, оила аъзоларим, қўни-қўшилларим, борингки, олисларда мен кўмсаган, соғинган бағрикенг, оқибатли юртдошларимни ўйлаб, киприқларим намланди.



Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зехним, вужудим билан боғлиб, битирмагунимча ундан кўлимни тортмадим.

✓ *Ҳеч кимга газаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг газабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб.*

✓ *Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, упуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.*

✓ *Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб кўй.*

✓ *Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимаёйди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.*

✓ *Ақлли душман жохилу нодон дўстдан яхшироқ.*

✓ *Агар душманинг бош уриб паноҳинга келса, раҳм қилиб яхшилик ва муруват кўрсат.*

✓ *Душман сендан муруват ва хайр-эхсон кўрсаю яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни Парвардигорнинг ҳукмига топшир.*

✓ *Чин дўст улдирик, дўстидан ҳеч қачон ранжимаёйди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қиладди.*

✓ *Юмшаклик қилишга тўғри келса, мулоҳимлик қилдим, қаттиққўллик ишлатиш вақти етса, қатъий чоралар кўрдим. Шошмаслик керак ерда шошилмадим, шошиларли ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чорая тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилч ишлатмадим.*

✓ *Зинодан туғилган киши ўзига яхшилик қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди.*

✓ *Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, ҳолиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю,*

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир.
АМИР ТЕМУР

АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

✓ *лекин обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин.*

✓ *Хароб бўлиб ётган ерларда қоризлар курсинлар, бузилган кўприқларни тутатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига янги кўприқлар курсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга рабоблар курсинлар. Йўлларга қузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир рабобга бир неча одамни жўйлаштирсинларки, йўлларни қузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини гафлат босиб, ўғирлашиб қўймастикларининг вазифаси ҳам ушларнинг зиммасида бўлсин.*

✓ *Чораси бўлмаган ишга киришма, чунки ундан қутулиб бўлмайди.*

✓ *Куч – адолатдадир.*

✓ *Бир кунлик адолат – юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.*

✓ *Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб – шукр.*

✓ *Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.*

✓ *Қурашиб эришилмаган ғалаба ғалаба эмас.*

✓ *Ёзилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.*

✓ *Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг.*

✓ *Адолат эмас – адолат енгади.*

✓ *Аввал йўлдош – кейин йўл.*

✓ *Билаги зўр – бирни йиқар, билими зўр – мингни.*

✓ *Ботир жангда билинар, доно – машваратда.*

✓ *Душманинг қулгани – сирингни билгани.*

✓ *Душмандан кўркма, мунофиқдан кўрк.*

✓ *Олтмишга кирган отадан ош сўрама.*

✓ *Ота бўлмаган ота қадрини билмас.*

✓ *Сўзлагувчи гар нодон зрур, тинглагувчи доно ўлсин.*

✓ *Кечира олишлик – мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади.*

✓ *Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилгай.*

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Қўриқлаш хизмати – ишончли ҳимоя

✓ **Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинч-лигимизни асраб-авайлашда мамлакатимиз қўриқлаш хизматининг ўрни беқиёс. Шу боис истиқлолнинг илк йиллариданоқ ички ишлар идоралари фолиятини изчил ислоҳ қилиш, уни замонавий технология ҳамда малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда.**

Аҳоли ва мулкдорларга кўрсатилаятган хизмат турларини кенгайтириш мақсадида соқчилик ҳамда ҳарбийлаштирилган қўриқлаш йўналишлари ривожлантирилмоқда. Хусусан, қўриқлаш хизмати ходимлари махсус техник восита ва кийимлар билан тўлиқ таъминланди. Бунга Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бошқармада марказлаштирилган қўриқлаш пулётлари янги илғор техник воситалар билан қайта жиҳозланди, эскилари алмаштирилди, янги бинолар барпо этилди. Бугунги кунда қўриқлаш саф бўлиналари томонидан 2 минг 375 та халқ ҳўжалик объекти ҳамда 578 та фуқаро хонадонлари шартнома асосида ишончли қўриқланмоқда. Бошқарманинг молиявий имкониятини янада яхшилаш, шахсий таркиб со-

нини ошириш ҳамда фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Бухоро халқаро аэропорти автотурагоҳи, "Лукойл Ўзбекистон Оперейтинг Компани" масъулияти чекланган жамиятига қарашли Шимолий Шоди ва Қувача Олот газ қазиб олиш участкаларида милиция постлари ташкил этилди ва навбатчилик асосида янгидан 209 та савдо дўкони қўриққа олинди.

Хўқўбзарликларни аниқлаш ҳам соҳа ходимларининг ижтисодиёт катта бўлаётди. Масалан, йил давомида иқтисодиёт объектида содир этилган 290 та майда хўқўбзарлик ҳолати аниқланиб, корхона, ташкилот ва муассасаларга етказилган 7 миллион 734 минг сўм миқдоридagi зарар мулк эгаларига қайтарилди. Суд қарорларига асосан хўқўбзарлардан 11 миллион 184 минг сўмлик жарималар ундирилди.

Қўриқлаш ва хавфсизлик техника воситаларини жорий қилиш, фойдаланишни ташкиллаштириш йўналиши бўйича қўриқлаш бошқармаси ва жойлардаги бўлиналарда ҳозирги кунда жами 16 та техник қўриқлаш пункти фаолият олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 876 та объект ва 578 та фуқаро хонадонларини жойлардаги техник қўриқлаш пунктларига улашишга эришилди. Шунингдек, қўриқлаш саф бўлиналари томонидан янгидан 152 та объект ва 164 та фуқаро хонадонлари шартнома асосида қўриққа олинди. Айтиш жоизки, вилоятда мавжуд 4 минг 890 та савдо дўконида 2 минг 784 таси, 2 минг 410 та кўп қаватли уйнинг 72 тасига видеокузатув мосламалари ўрна-тилди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, соҳа ходимлари учун спорт турлари бўйича хизматдан ажратилган ҳолда қўшимча машғулот ўтказиш йўлга қўйилгани жамиянинг қўллаб-қўсташига фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қўриқлаш хизмати тизимига офицер, сержант ва сафдорлик лавозимига ишга кирувчилар танлов асосида қабул қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, яратилган шароит ва қулайликлар иш самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётди.

Элмурод КУЗИЕВ, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси матбуот гуруҳи катта инспектори.

ИМКОНИЯТ

ФАРМОН ВА ИЖРО



Силежон ЗОИРОВ олган сурат

Ўзбекистон халқаро арбитраж ва ҳакамлик судларини ривожлантириш жамоат фонди хузуридаги Тошкент шаҳар ҳакамлик суди раиси Муҳаммад Лутфуллаева билан тайёрлаган суҳбатимиз бевосита ушбу муҳим ҳуқуқий ҳужжатнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти хусусида бўлди.

— Сир эмас, илгари тadbиркорлар режадан ташқари ҳамда жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишлардан кўп зарар кўрар эди. — дейди суҳбатдошимиз. — Кўп ҳолатларда тadbиркорнинг фаолияти асоссиз тўхтатилган, мол-мулки олиб қўйилган, жарималар давлат органининг айбдор ходимидан эмас тadbиркорлик субъектидан ундирилган, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка ҳам фақат тadbиркорлик субъекти раҳбарлари тортилар эди. Бундан нафақат ишбилармон, балки унинг оиласи, ишчи-ҳодимлари ҳам жабр кўрган, қолаверса, истеъмолчи ва бюрократлар, давлат бюджетига муайян зиён етган.

Фармон асосида Олий Мажлис хузурида Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтининг ташкил этилиши эса тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат тузилмалари билан муносабатларида уларнинг манфаатларини ифодалашда катта аҳамият касб этади. Зеро, шу кунгача ҳусусий сектор вакиллари давлат тузилмалари билан муносабатлар туфайли келиб чиқувчи муаммолар ечимини узоқ вақт, машаққат билан излашга мажбур бўлар эди. Турли идора, ташкилот, депутатлар, ҳаттоки тегишли судларга мурожаат этилганидан кейин ҳам баъзан муаммо тўла-тўқис ҳал этилмай қолар эди. Демокриманки, апелляция, кассация шикоятлари билан боғлиқ ишлар ойдан ойга, йилдан йилга чўзилаверарди.

— Шундай ҳолатлар бўйича мисоллар бўлса келтириб ўтсангиз.

— Масалан, бир неча йил аввал республика-мизда бозорлар инфратузилмаси бўйича янги солиқлар жорий этилганидан кўпчилик хабардор. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Эски жўва” бозори ҳудудида ҳам ҳусусий дўкон ва биноларга эга тadbиркорларга нисбатан мазкур тартиб татбиқ қилина бошланган ва солиқ ставкалари максимал даражада қўлланилиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тadbиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, ҳусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги фармони бугун юртимиздаги барча тadbиркорлар қатори турли соҳа эгалари ўртасида ҳам катта қизиқиш ва мамнуният билан кутиб олингани бежиз эмас.

Эркин фаолият фаровонлик асоси

сабабли бу ердаги тadbиркорларнинг касодга учраши аниқ бўлиб қолгач, улар бир қанча идоралар, жумладан, республика солиқ қўмитасига ҳам қайта-қайта мурожаат этишган. Лекин жўялироқ жавоб олишолмагандан кейин улар O zLiDeP фаоллари ва хайрихоҳлари тавсиясига кўра партиянинг “Uri-Com” адвокатлик фирмасидаги бошлангич партия ташкилотига чиқибди. Ўз навбатида, ушбу кўйи тузилма масалага доир ҳужжатлар, ўрганиш хулосаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси П. Свешниковга тегишли ҳужжатларни тақдим этган. Пировардида тегишли қонуности ҳужжатида ўзгартиш киритилиб, бутун мамлакат миқёсида инфратузилма ставкасини минимал даражага камайтиришга муваффақ бўлинди.

Еки яна бир мисол, дорихонаси давлат эҳтиёжи туфайли бузилган ҳусусий тadbиркор С. Ҳайдаровга янги дорихона қуриш учун Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида Олмазор тумани “Қорақамши деҳқон бозори” очиқ акциядорлик жамиятининг “Форобий” шохбачаси ҳудудида 180 квадрат метр ер майдони ажратилган эди. Қурилиш ишлари кетаётган бир пайтда Тошкент тибиёт академиясининг иккинчи клиникаси маъмурияти ер уларга қарашли эканини ваъж қилиб, қурилишга қаршилик кўрсатган. Клиника тadbиркор ва ҳокимликнинг талабини инобатга олмай, ер участкасини темир панжара билан ўраб олган. Тadbиркор эса фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга мурожаат этишга мажбур бўлган. Суд жараёнида тadbиркорнинг ҳуқуқлари поймол бўлгани исботланиб, суд қарори асосида ер участкаси тadbиркорга қайтарилиб, унинг фойдасига клиника ҳисобидан моддий ва маънавий зарар ундирилган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Тилга олинган вакил институтининг фаолияти йўлга қўйилиши эса ҳусусий бизнес вакиллари муаммоларининг тез, осон ва адолатли ҳал этилишига имконият яратибди шубҳасиз.

— Фармон қайси жиҳатлари билан ҳуқуқий амалиётнинг такомиллашувига хизмат қилади, деб ҳисоблайсиз?

— Ҳакамлик судларига мурожаат қилган тadbиркорлар ўз муаммоси қисқа муддатда кам чиқим ҳисобига самарали ҳал бўлишини билади.

Лекин жавобгар ҳакамлик суди қарорини ихтиёрий равишда бажаришдан бош торгандан, қарорни мажбурий ижрога қаратиш учун ваколатли судга энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида давлат божи тўловини амалга ошириш шартлиги тadbиркорларнинг ҳакамлик судига мурожаатларини анча камайтирган эди. Янги фармонда тadbиркорлик субъектлари ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат божи тўлашдан озод этилиши баён этилган. Фикримча, мазкур ҳужжат қонуний кучга киргач, ваколатли судлар ҳакамлик судларига рақобатчи сифатида қарамасдан, ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларига холисона баҳо бериб, ижрога қаратилувчи ажримларни ўз вақтида берса, ҳакамлик судига мурожаат этувчиларнинг сони кўпаяр эди.

— Тadbиркорлар қишлоқ ёки шаҳарда, марказ ёхуд чекка ҳудудларда иш юритишдан қатъи назар, фармон асосида жорий этилаётган энгиллик ва қўлайликдан бирдек баҳраманд бўлишди, шундай эмасми?

— Албатта, масалан, баъзи чекка ҳудудларда фаолият юритувчи юртдошларимиз тadbиркорлик фаолиятида дуч келаётган қийинчилик ва тўсиқлар сабабли мамлакатимизнинг катта шаҳарлари, ҳатто чет элларга кетиб, ишлашга мажбур бўлаётганди. Назаримда, энди уларга янги фармоннинг мазмун ва моҳияти тушунтирилиб, ўз уйларида қайтариш ва аввалдан бажариб юрган ишларини, мисол учун, уй қуриш, том ёпиш, таъмирлаш ишлари, сантехника юмушлари, боғдорчилик, деҳқончилик ва шунга ўхшаш ишларни қонуний расмийлаштириб, бемалол меҳнат қилиши мумкинлиги аниқлашди, оиласи бағрида яшаб, ҳам моддий, ҳам маънавий қаноатланишди, меҳнат стажига эга бўлиб, кексайганда ҳам моддий таъминотга эга бўлишди.

— Сизнингча, бунга қандай эришиш лозим?

— Одамлар билан юзма-юз мулоқотлар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларга тажрибали, ноткилик салоҳиятига эга ҳуқуқшунос, адвокатларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадга мувофиқ.


“XXI asr” мухбири
Беҳзод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

Тинчлик ва хотиржамлик гарови



Бебаҳо бойлигимиз – табиий газдан тежаб-тергаб фойдаланиш барчамиз учун энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, куз-қиш фаслида бу борада янада жиддийроқ масъулият талаб этилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 июндаги “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2016-2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс таъйирлашни таъминлаш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарори жойларда бир қатор муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда. Жумладан, табиий газдан суюлтирилган газ таъминотида ўтказилган ва ўтказиладиган ҳудудлардаги қувур ва қурилмаларни қисмларга ажратиш, улардан мақсадли фойдаланиш, газ ётказиб берувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Бундай ишларни “Водийгазтаъминот” унитар корхонасининг Поп тумани филиали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Мавсумга таъйиргарлик аллақачон бошланган. Тумандаги мавжуд газ қувурлари тўлиқ таъмирланди, газ тақсимловчи шохбачаларнинг 426 таси қайта кўриқдан ўтказилиб, тузатилди.

Маълумки, қишнинг совуқ кунларида хонадонларда иситиш ускуналарига талаб

янада ортади. Бинобарин, газ анжомларидан хавф-хатарсиз фойдаланиш ва табиий бойлигимизнинг турли сабаблар билан исроф бўлишига йўл қўймаслик муайян жавобгарлик юклаши табиий. Шу мақсадда ҳудуддаги мавжуд газ қувурлари яна кўздан кечирилиб, ҳаво босими ёрдамида қайта текширилди, ер ости газ қувурлари эса техник синовдан ўтказилди.

Умуман олганда, ушбу ҳудудда 2016-2017 йиллар орасида куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш учун барча зарур чоралар кўрилмақда. Бу, энг аввало, аҳоли тинчлиги ва осойишталиги учун зарур. Зеро, масъулиятли мавсум лоқайдлики кечирмайди.

Собитхон МУҲАММЕДОВ,
“Водийгазтаъминот” унитар корхонаси
Поп филиали бошлиғи

Хизматлар лицензияланган 16-617

“JO SMART ADVICE” МЧЖ

тренинг компанияси тақдим этади!

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР!

Бизнес тренинг:

“Нолдан 3 000 000 сўмгача бизнес ташкил этиш учун 6 муҳим босқич”.

Ушбу тренинг кимлар учун?

- ✓ коллеж битирувчилари;
- ✓ бизнес бошламоқчи бўлган ёшлар;
- ✓ олий ўқув юрти талабалари;
- ✓ кредит олишни режалаштираётганлар.

Тренингда иштирок этгач:

- Сиз бугунқ тadbиркорликни бошлаш учун жиддий қарор қабул қилиб, илк қадамни ташлайсиз.
- Бошлангич бизнесингизни ташкил этишнинг мукамал режасига эга бўласиз!
- Сармоясиз даромадли тadbиркорлик бошлашнинг ҳақиқий имкониятлари ҳақида билиб olasiz.
- Бизнес ва ҳаётингизда нималарни орзу қиласиз? Уларни реал мақсадга айлантириб, тўсиқларни энгил ўтиш учун 7 муҳим қадам нималигини биласиз.
- Энг асосийси, тренингда ўрганган 6 босқичдан унумли фойдалансангиз, биринчи ойдаёқ киритган даромадингиз камида 1 000 000 – 1 500 000 сўмини ташкил этади.
- 99 фоиз кафолат биздан, атиги 1 фоиз қизиқиш сиздан!

Тренер Жавлонбек ОТАХОНОВ:

бизнес маслаҳатчи, юқори мақсадлар ва ишни дадил бошлаш сари руҳлантирувчи психолог, халқаро миқёсдаги ўнлаб номдор бизнес тренерлар – Браян Треси, Бодо Шефер, Жаск Кенфилд, Николай Мрачковский, Михаил Дашкиевдан сабоқ олган. Минглаб ёшлар эътиборини қозонишга улгурган.

Тренинг ўтказиш вақти: 2016 йил 18 декабрь яқшанба кунин соат 8:30 дан 16:30 гача. (Тушлик ва кофе-брейк).

Мазил: Тошкент Молия институти.

Мўлжал Минор метро бекати.

Шошилини! Ўринлар чекланган!

АКЦИЯ!

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан байрам кунигача мурожаат этувчилар чипталарни 75 фоиз чегирмада сотиб олишди.



Батафсил маълумот учун қуйидаги рақамларга кўнгирик қилинг:

+99890 132-88-00; +99891 131-88-00; +99891 161-96-73

Хизматлар лицензияланган 16-408

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА



O'ZSANOATQURILISHBANK

ДИҚҚАТ!!!

Ҳурматли мижозлар, Сизда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ хизматлари бўйича ҳал этилмаган муаммо, ариза, шикоят ёки таклифлар борми?

У ҳолда ҳеч иккиланмасдан www.uzpsb.uz веб-сайти орқали Бошқарув Раисининг raisga.murojaat@uzpsb.uz виртуал қабулхонасига тўғридан-тўғри мурожаат юборишингиз мумкин.

Мурожаатингиз шахсан **БОШҚАРУВ РАИСИ** томонидан кўриб чиқилади ва назоратга олинади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг

“Ишонч телефони”:
(0 371) 120-45-01

Call маркази:
(0 371) 200-43-43

Хизматлар лицензияланган 16-613

САЙЛОВ – 2016



Шавкат Мирзиёев

Истиқболни
бирга қурамыз!



Бизнинг бош мақсадимиз – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан бошлаб берилган демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустақамлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат.

РЕКЛАМА



Хурматли юртдошлар!

“Асака” банк жамоаси

Сиз азиятларни яқинлашиб келаятган мамлакатимиз Конституцияси кўни байрами билан чин юракдан муборакбод этади!
Сизга тинчлик, омонлик ва муваффақиятлар тилаймиз!
Байрам муносабати билан кўйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этамиз:

“КОНСТИТУЦИЯ-2016”

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 2 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

– солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
– маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

– эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
– миқдори чекланмаган!

“Асака” банк – сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган 16-6

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

ZAZ Forza, дв: 109 л.с. – бензин/газ

SUPER-AVTO

Нива Бизнес – пикап, 4x4, дв: 80,92 л.с. – бензин/газ

ТҮЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ҲАҚИДАШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй.
Мўлжал: Жанубий вокзал. Телефонлар: (+99871) 215-09-11, 250-23-93.

www.sardor-avto.uz

Махсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

ASR
ILTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR


Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ Қувондиқ САНАКУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ Тулқин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Алдам ШОДМОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ Расул КҲУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ Виктор ПАК
Иқбол МИРЗО Бегмат ОЧИЛОВ

Тахрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz



Телефонлар:
қабулхона – 215-63-80
(тел./факс).

Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-
лар бўлими – 215-60-45,
255-68-50

“XXI asr” ijtimoiy-siyosiy gazetasi Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда
10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босма хонасида chop этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 1266 Тираж: 8811
Баҳоси келишилган нархда.

ЎЗА яқуни – 21:20
Топширилди – 02:30

Тахриратга келган кўрсалма тарқиб
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда манба
сифатида газета номи кўрсатилмиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нукта
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахрират
жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида
терикли ҳамда дизайнер
Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2151-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

12345

Навбатчи муҳаррирлар:
Б. ИСРОИЛОВ, Х. САЛОМОВ